Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 3-fevral, seshanba, № 17 (3522)

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

● Фарғона

Юртимизда инсон саломатлигини сақлаш, янги тиббиёт муассасаларини барпо этиш ва уларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ШИФОХОНА ҚАД РОСТЛАДИ

Жорий йил бошида Бешариқ тумани аҳолиси учун барча қулайликларга эга бўлган Марказий шифохона қуриб фойдаланишга топширилди.

— Шифохона қурилиб, барча қулайликларнинг яратилиши бизларни жуда хурсанд қилди, — дейди бешариқлик Ортиқали Исомиддинов. — Ҳозирда “Шошилинч ёрдам”, “Жарроҳлик” ва “Диагностика маркази” янги бинога кўчиб ўтди. Бундай бунёдкорликлардан кекса-ёш жуда мамнун.

Яқин кунларда шифохона тўлиқ фойдаланишга топширилиб, барча бўлимлар шу бинога кўчиб ўтади.

Абдулҳай ЮНУСОВ, “Ishonch” мухбири

● Сурхондарё

Термиз шаҳрида аҳоли ва меҳмонларни арзон, сифатли истеъмолбоп озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида “Термиз шаҳар Марказий деҳқон бозори” иш бошлади. Мазкур бозорнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Тожимурод Мамараимов иштирок этиб, Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирди.

ЯНГИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ

— “Термиз шаҳар Марказий деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида 306 та савдо ўрни мавжуд бўлиб, сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратилган. Қишлоқ хўжалиги ва полиз, сут, гўшт маҳсулотлари, балиқ, қандолат ҳамда иссиқ нон учун алоҳида усти ёпиқ расталар барпо этилди. Воҳадошларимизга мунтазам сифатли маҳсулотлар етказиб беришда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди жамият раиси Шароф Ҳайитов.

Бозорда чиройли қилиб териб қўйилган ҳар хил меваларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Қўли-қўлига тегмай савдо қилаётган сотувчи Соҳиба Ҳайназарованинг қувончи бир олам:

— Қарийб, 15 йилдан буён шу бозорда савдо билан шуғулланаман. Бугун бозор замонавий кўриниш касб этибгина қолмай, янги-янги қулайликлар яратилгани сотувчи ва харидорларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ, “Ishonch” мухбири

● Қорақалпоғистон

Нукусда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ТУРИЗМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Туроператорлар, сайёҳлик фирмалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, меҳмонхона ва ресторанлар фаолиятини такомиллаштириш ва туроператорлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикасида сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурнинг мақсади ва вазифалари, мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришда Қорақалпоғистоннинг ўрни, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

ЎзА

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

● Болалар спорти

Бухоро вилояти Жондор туманидаги бешта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2014 йили 2 мингдан зиёд ўғил-қиз спорт машғулотларига кенг жалб қилинди. Ушбу спорт масканлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан енгил ва оғир атлетика жиҳозлари, спорт ўйинлари тўплари, бокс аренаси, тренажёр жамланмалари каби инвентарлар билан тўлиқ таъминланди.

Яратилаётган кенг шароитлардан самарали фойдаланаётган ёшлар мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йил, айниқса, 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшлари учун омадли келди. Дзюдо бўйича республика чемпионатида мактаб тарбияланувчилари Муҳиддин ва Шаҳбоз Ҳикматовлар ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди. Шаҳбоз Нурматов Жанубий Кореяда ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида ғолиблар қаторидан жой олиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Суратларда: *Жондор туманидаги 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

▽ Сайлов — 2015



Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

ОКРУГЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов жараёнини либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини яратди.

Мамлакатимизда шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округида ҳам сайловни юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилмоқда. Округ сайлов комиссияси раиси, ўринбосари, котиби ва округ сайлов комиссияси аъзолари фаолият кўрсатиши ҳамда матбуот хизмати учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни сайловчиларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриши учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов. — Айни пайтда округ сайлов комиссиясининг иш режаси тасдиқланган. Сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилиги ташкил этилган. Сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази зарур адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминланган.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ амалга ошиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида эътиборда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволи, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ваколатлари доирасига сайлов участкаларини тузиш, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилаш, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш киради. Шундан келиб чиқиб, пойтахтимизда 653 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчилар белгиланган вақтда хабардор этилади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид яратилган қонуний асослар мамлакатимизда сайловларнинг очиқлик, ошкоралик руҳида, юқори савияда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

▽ Ким эдигу ким бўлдик?

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан тараққий этиб бормоқда. Ички ва ташқи сиёсатда қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаяпти. Айнан шу ҳолат мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътиборини мустаҳкамлади ва ўзига муносиб ўринни эгаллаш имконини яратди.

Хўш, бу муваффақиятларнинг пойдевори нимада? Назаримда, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи галда халқимизнинг дунёқараши, фуқароларимизнинг сиёсий онги ва маънавий тафаккури ўзгариб, уларнинг ҳаётий фаоллиги тобора кучайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Шу ўринда тарихан қисқа даврда мамлакатимизнинг улкан ривожланиш йўлини босиб ўтишида мустақиллик берган имкониятлар мислсиз ўрин тутганини эсдан чиқармаслик лозим. Дарҳақиқат, мустақиллик ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, она диёримизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлишимиз, иқтисодий салоҳиятимизни ривожлантиришимиз, жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашимизга кенг йўл очди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимиз ўз тараққиёт йўлидан тез суръатлар билан одимлаб бораётганининг яққол тасдиғидир. Дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётининг йиллик ўсиши охирги 10 йил давомида 8 фоиздан ошиб, барқарор ривожланиб бораётганини бугунги кунда камдан-кам давлатлар мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тобора ўткир глобал муаммога айланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир жаҳонда қарийб 7,5 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, шунинг 840 миллиондан ортиғи тўйиб овқатланмаяпти, яъни қашшоқликда кун кечираётир. Бундан ташқари, дунёдаги 34 та мамлакатда ўртача умр кечириш даражаси пасайиб кетди, мактаб ёшидаги чамаси 150 миллион бола таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум. Буларнинг асосий сабаблари яна ўша глобал муаммолар: иқтисодий инқироз, қашшоқлик, миллий-этник можаролар, геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларнинг тўқнаш келаётганлигидир.

Маълумки, 2014 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Қарангки, бундан 24 йил аввал Ўзбекистон аҳолиси 21 миллиондан зиёд бўлиб, ҳар йили 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, қанча оворагарчиликлар билан олиб келишга мажбур бўлардик. Ҳозир эса 31,5 миллион аҳолимизни ўз донимиз, ўзимизнинг беминнат нонимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элларга ғалла экспорт қиладиган илғор мамлакатга айландик.

●●○●▶ 3

Бошланғич ташкилот — касаба уюшмалари асоси

Асака туманининг Мустаҳкам қишлоғида яшовчи Аҳлиддин Тожибоев ҳамда Ойбек Мўминов сартарошлик ҳунари бўлишига қарамай, анчадан буён ишсиз эди. Бошқа бир ишга қўл уришнинг ҳам ўзига хос мавҳумликлари бўлгани учун узоқ вақт аниқ қарорга кела олмай юришди.

Бандлик

МУҲИМИ — МУҚИМЛИК

Ана шунда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши кўмакка келди. Ҳамкасблар қулай ва шинам ишхонага эга бўлишди. Уларнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши учун зарур асбоб-ускуналар тўплами, мебел жиҳозлари тақдим этилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.



ЎзА сурати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг «Касаба уюшмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида туман ва шаҳарларда аҳолига сервис ва пулли хизмат кўрсатиш бўйича шохобчалар ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари ва вақтинчалик ишсизларга янги иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги қўшма қарори ижроси доирасида вилоятда жорий йилда амалга ошириладиган вазифалар талайгина.

Маҳаллалардаги бўш турган биноларда тармоқ касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан гўзаллик салони, чеварлик, косибчилик, компьютер хизмати, пазандалик, қандолатчилик, новвойлик сингари шохобчалар ташкил этилиши шулар жумласидандир.

●○●●▶ 2

▽ Аёл, оила ва жамият

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аёлларимизни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Дилбар Тўхтаева. — Маълумки, аёлларимиз азал-азалдан қўл меҳнатининг устаси. Улар тўқиган гиламлар, тиккан каштталару либослар кўзни қувнатади. Косонлик қўлигул чевар Мавлуда Сиддиқова ана шундай ҳунарманд аёлларимиздан бири.

РАҒБАТДАН КУЧ ОЛИБ



Дарҳақиқат, Мавлуда опа моҳир чевар. У бир мунча вақт маиший тикув корхонасида меҳнат қилди, ишидан ортган пайтларида буюртмаларни бажарди. У янги либос тиктирган мижоз билан пул юзасидан кўп ҳам талашавермас, аксинча, уларнинг миннатдор сўзларини тинглаб, боши осмонга етарди...

1989 йилда суратқаш йигит Асадулла Мамадиев билан умр ришталарини боғлаган Мавлудахон ҳаётда ўзи каби меҳнатни севадиган инсонга рўбару келганидан кўнгли умидларга тўлди. Бир-бирига муносиб жуфтлик йиллар ўтиб, уч ўғил, икки қизнинг ота-онасига айланишди. Рўзғор кенгайди. Бу орада тикув корхонаси ҳам тугатилиб кетди. Ана шунда эр-хотин маслаҳатлашиб, оилавий корхона очишга қарор қилишди. Шу тариқа 2005 йилда кўп тармоқли «Мамадиев Ёрқул бобо» хусусий корхонасига асос солинди. Мавлудахонда мижозлардан буюртмаларни қабул қилиш ва бажариш борасида вақт муаммоси барҳам топди. Бу ёқда эри суратқашлик ишини кенгайтирди. Энди аҳолига фотография хизмати билан бирга, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун стендлар, турли реклама эълонлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўғли Муҳаммад, Феруз дадасига кўмаклашса, қизи Гулираъно онасининг қанотидан кирди. Бугунги кунда тикув цехида ҳаёт қайнайди. Зулфира Файзиева, Ситора Неъматова сингари ўнлаб чеварлар опанинг шогирдлари. Қўли гул қизлар фасларга қараб, хотин-қизлар либосларини тайёрлашаётир.

— Астарли костюм-юбка, палто ва турли миллий либосларга буюртма қабул қиляпмиз. Шунингдек, эркаклар либослари бўйича ҳам талаб тушиб турибди. Энг муҳими, касб-ҳунар коллежини тугатган қизларимиз ишли бўлишди. Қолаверса, аёлларимиз шаҳарликлардек замонавий ва ярашиқли миллий либосларни кийиб зеболаниб юришибди, — дейди Мавлуда опа тўлқинланиб.

Дарвоқе, меҳнатсеварлик ва интилувчанлик, янги иш ўринларини яратишдаги ҳаракатлари муносиб қадр топди. 2009 йилда косонлик чевар Мавлуда Сиддиқова Президентимиз Фармони билан “Шуҳрат” медали соҳибасига айланди.

— Меҳнат ортидан оиламизда фаровонлик. Ўғилларим ва қизим тобора малака ҳосил қилишаётир. Айни пайтда кичик ўғлим Беҳруҳжон ҳарбий хизматда. Яқинда командирларидан раҳматнома эшитиб, юрагим ҳаяжондан ҳапқирди, — дейди Мавлуда опа. — Фарзандларимиз камолига кенг йўл очилганидан бошим осмонда. Бу мени аёл ва она сифатида ҳар лаҳзада руҳий уйғоқликка чорлаб, янада самарали меҳнат қилиш, аёлларимизнинг бандлигини таъминлашдек савобли ишга ҳисса қўшишга ундайверади.

Акмал АБДИЕВ, “Ishonch” мухбири

2015-yil 3-fevral, seshanba, № 17 (3522), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — касаба уюшмалари асоси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

МУҲИМИ — МУҚИМЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Касаба уюшмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг янги иш ўринлари яратиш юзасидан ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти барчага маълум бўляпти, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қўрғонтепа туман бўлинмаси раиси Ҳамдамжон Жўраев. — Айни пайтда ҳудудлардаги тўлиқ ёки қисман фойдаланилмаётган биноларни коллеж битирувчилари ва бандлиги таъминланмаган ҳунармандларга ижара тўловисиз ажратиб бериш масаласини ҳал этяпмиз. Ишсизларнинг камайиши натижасида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит соғломлашиши шубҳасиз.

— Янги иш бошлаган фуқароларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари юритилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Фарҳод Ниязмурадов. — Улар доимий фаолият кўрсатиши учун ҳар томонлама мадад бериш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизмат сифатини яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш борасида мустаҳкам тизим яратилмоқда.

Андижон вилоятида йил давомида шу тариқа 87 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 80 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Ўз мухбиримиз

ЎзА суратлари

▼ Таълим

Юртимизда ёшларнинг пухта билим олиши, танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида касаба уюшмалари томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

Сўнгги йилларда Андижон давлат университетида ўқиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Чунончи, талабаларнинг турар жойлари, физика ва математика, педагогика, касб таълими факултетлари бинолари қайтадан замонавий услубда таъмирланди, ижтимоий фанлар факултетлари учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати устувор вазифалардан бири эканлигининг белгиси, албатта.

Тасдиқланган жамоа шартномасига кўра, маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси бўйича университет маъмурияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти томонидан зиммага олинган мажбуриятлар ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб борилмоқда. Бу ерда ўзига хос анъана йўлга қўйилган. Яъни, ҳафтанинг сешанба кунларида мунтазам ўтказиладиган тадбирларда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳафта якунлари ҳамда янги ҳафтанинг режаси ҳақида атрофлича ахборот берилади. Мазкур тадбирларда талаба ёшларнинг вазифа ва бурчлари таъкидланиши билан бирга, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланади. Касаба уюшма қўмитаси эса маъмурият билан ҳамкорликда ёшлар ўртага қўйган муаммоларнинг ечимини топиш чораларини кўради.

— Жамоамиздаги маънавий муҳит, ўзаро ҳамкорлик, меҳнатга муносабат, барча бўлимлардаги ишчанлик бугунги кун талабларига жавоб беради, — дейди университет ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Иброҳимжон Абдуғафуров. — Бу ютуқларда бошланғич ташкилотнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Қолаверса, "Адолат" қутиси ташкил этилган. Бу ҳам талаба, ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг муаммолари, уларни қизиқтирган масалалар акс этган хатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилишида ўзига хос тажрибадир.

Ёшларнинг ижтимоий ҳимояси уларнинг сифатли таълим олиши, пухта билим эгаллашига туртки беришини ҳаммамиз биламиз. Шу маънода университет касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни, аввало, камхарж, ногирон ва эҳтиёжманд йигит-қизларга қаратмоқда. Биргина ўтган йили уларга 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам пуллари ажратилди. Боқувчисини йўқотган ва чин етим талабаларнинг саккиз нафарига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида касаба уюшма стипендияси жорий этилди. Икки нафар талаба Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан иқтидорли ва жамоат ишларида фаол қатнашувчи талабалар учун таъсис этилган устама стипендия соҳибига айланди.

— Университетда маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда йўлга қўйилган, — дейди хорижий тиллар факултети 3-курс талабаси Гулмира Отажонова. — Турли адабий-бадиий кечалар, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари, соҳа вакиллари билан давра суҳбатлари дарслардан кейинги бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш билан бирга, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда дунёқарашимиз ўсишига хизмат қилмоқда.

Таълим даргоҳида касаба уюшма аъзоларининг асосий қисмини талабалар ташкил этишини ҳисобга олсак, бошланғич ташкилот ўз иш фаолиятини адолат билан, тўғри режалаштираётгани аён бўлади. Бу эса ёшларда ўқиш, илмий тадқиқот ишларига интилиш ва жамоат тадбирларида фаол қатнашишларида ўзига хос қанот бўлиши шубҳасиз.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

▼ Ижтимоий ҳимоя

Ижтимоий ҳимоя нафақат турмуш фаровонлигига, шунингдек, фаолиятга нисбатан илиқ муносабатнинг шаклланишига, меҳнат унумдорлигининг ортишига хизмат қилади.

Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қай даражада эканлигини аъзоларнинг кайфиятидан билиш мумкин. Хусусан, ўтган йили ходимларимизнинг 47 нафари юртимиздаги сана-

БАҲРАМАНДЛИК

торийларда саломатлигини тиклаб қайтди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшма аъзолиги бадаллари ҳамда ижтимоий суғурта ҳисобидан 30 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Кўп болали ҳамда эҳтиёжманд ишчиларнинг 116 нафарига моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, бир нафар ходим мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совғаси — маиший техника билан тақдирланди.

Анъанага кўра, ишчиларнинг фарзандларидан 31 нафари «Шифокор» болалар оромгоҳида соғломлаштирилди, эҳтиёжманд оилаларнинг 35 нафар кичкинтойи ўқув қуроллари тўпламига эга бўлди. Соҳа ривожи учун узоқ йиллар хизмат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

Тиббиёт бирлашмасида амалиёт ўтайдиган коллеж ўқувчиларини рағбатлантириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаётир. Улар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм, тиббиёт коллежларини тамомлаб ишга қабул қилинган 13 нафар битирувчининг ҳар бирига 50 минг сўм ажратилди.

Кексаларни эъзозлаш йилида жамоа шартномаси бандларида кўзда тутилган вазифаларни тўла-тўкис, изчил бажаришни мақсад қилганмиз. Зеро, ҳеч бир ходим меҳр, эътибор ва рағбатдан четда қолмаслиги, меҳнаткашлар манфаати устуворлиги — бошланғич ташкилотнинг шиори.

Холмуҳаммад ТОШТЕМИРОВ,
Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

▼ Маънавият

Ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда "Маънавият ва маърифат" хоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш, айниқса, сиёсий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш катта аҳамиятга эга. "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали тизимида бугунги кунда замон талаблари асосида жиҳозланган тўртта ана шундай хона ходимлар ихтиёрига топширилган.

ФАЗИЛАТЛАР ГУЛТОЖИ



Ҳафтанинг сешанба кунларида ўтказилаётган "Маънавият соатлари" тизимда ишлаётган почта-алоқа ходимларига манзур бўлмоқда. Турли соҳа мутахассислари иштирокидаги суҳбатларда асосий эътибор ходимларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш, дунёқарашини кенгайтириш, айниқса, мижоз билан муомала маданиятини юксак даражада йўлга қўйиш масалаларига қаратилади.

Филиал касаба уюшма қўмитаси билан вилоятда фаолият кўрсатаётган Бобур номидаги мусиқали драма ва комедия, Аббос Бакиров номидаги ёшлар ҳамда "Лола" қўғирчоқ театрлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда. Ўтган йили театр жамоалари томонидан намойиш этилган қатор саҳна асарлари, "Кулги кечаси", "Мақом кечаси" тадбирлари, болалар учун эртак-спектакллар ходимлар ҳамда уларнинг фарзандлари учун катта маънавий озиқа бўлди.

"Касаба уюшмалари — болаларга!" шиори остида ўтказилган акциялар ходимлар фарзандларининг иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қиляпти. Чунончи, "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Дунё — болалар нигоҳида" кўриктанлови жажжи ўғил-қизларнинг рассомлик бобидаги қобилиятларини юзага чиқаради.

Бундан ташқари, ходимларнинг 50 нафар фарзандига ўқув қуроллари тўпламлари, Андижон шаҳридаги "Гўдаклар уйи"да тарбияланаётган болажонлар учун турли мултивитаминлар, пойабзал ҳамда кийим-кечаклар туҳфа этилди.

Шу ўринда маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларнинг яна бир қиррасига алоҳида урғу бермоқчиман. Жорий йилдан бошлаб янги лойиҳа — почта-алоқа тармоғи ходимларининг фарзандлари учун касаба уюшма қўмитаси томонидан хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув курслари йўлга қўйилганлиги хайрли ишлардан бири бўлди. Айни пайтда жойлардаги почта-алоқа тармоқлари ходимларининг бир гуруҳ ўғил-қизлари ўзлари яшаётган ҳудудлардаги тил марказлари машғулотларига қатнашмоқда. Етти ойлик курслар учун тўлов пуллари касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан қопланади. Келгусида унинг қамров доирасини янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз.

Бахтиёр АҲМЕДОВ,
"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

▼ Меҳнат муҳофазаси

«Андижон ёғ-мой» акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Бу ерда айни кунда 850 дан зиёд ишчи-ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг соғлиги, ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш чоралари корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмасининг доимий эътиборида.

ДОИМИЙ ҒАМХЎРЛИК

Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис А. Юлдашев ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Ш. Тўхтабоев ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар кўлами тобора кенгаяётгани қувонарли ҳол. Яқин тўрт йилдан буён бирор марта бахтсиз ҳодиса содир бўлмаганлигига бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг натижаси, дейиш мумкин.

2013-2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси бўлими бўйича ўтган йили мазкур йўналишдаги тадбирларга 65 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда 730 нафар ишчи касблар бўйича барча йўриқлардан ўтказилган. Бундан ташқари, корхона таркибида 76 нафар касаначи ҳам фаолият юритмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича малакаларини ошириш, билимларини текшириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинаётир. Хусусан, 30 нафар раҳбар ва муҳандис-техник мутахассис меҳнат муҳофазаси, ёнғин ва техника хавфсизлиги бўйича «Саноатгеоконтехназорат» комиссияси томонидан ўқитилди. Уларнинг билим ва малакалари текширилгач, амалдаги доимий комиссия сифатида фаолият юритишларига рухсат берилди. Мазкур комиссия 508 нафар ишчи-хизматчи иштирокида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича ўқувлар ташкил этди. Соғлом бола йилида 540 нафар ишчи-ходим бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, улар мавсумий махсус кийим-бош, қўлқоп ва пойабзаллар билан тўла таъминланди.



2013-2014 йиллар давомида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ишчи ўринлари аттестациядан ўтказилган эди. Унга кўра, 5 та биринчи даражали, 247 та иккинчи даражали, 78 та учинчи даражали, шунингдек, 17 та имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқи дарасидаги иш ўринлари шаҳодатланди.

Корхонада иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш кўрсаткичи «KAPITAL SUG'URTA» очиқ акциядорлик жамияти суғурта компанияси билан тузилган шартнома асосида тартибга солинган.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда раҳбар, мутасадди ходимлар, касаба уюшма қўмитаси раиси, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис ҳамда шу йўналиш бўйича сайланган вакиллар ҳамкорлигида меҳнат муҳофазаси маданиятини юксалтириш, ходимлар учун белгиланган меъёрлар асосида меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида эришилаётган муваффақиятлар бошқалар учун ибрат бўлмоқда.

Музаффар АЗИМХЎЖАЕВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

▼ Ходимлар гимнастикаси

Мутахассислар фикрича, гимнастика билан мунтазам шуғулланиш инсонни жисмонан чиниқтирибгина қолмай, руҳий жиҳатдан тетиклаштиради, иродасини тоблайди. Айниқса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларда меҳнат қиладиган кишилар учун гимнастиканинг аҳамияти беқиёс эканини "UzSAEMYUNG" ёпиқ акционерлик жамияти Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим дилдан ҳис этмоқда.

ИШИМИЗДА УНУМ БЎЛМОҚДА, дейишяпти корхона ишчи-хизматчилари

1998 йили ишга туширилган корхонада бугунги кунда "Нексия", "Матиз", "Дамас", "Кобальт", "Спарк", "Ласетти" автомобиллари учун ёнилғи баклари, қолипланган ва қолипланиб пайвандланган панеллар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ бутловчи қисмлар тайёрланади. Еттита цехда меҳнат қилаётган 1038 кишилик жамоа зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этиб келяпти. Ишлаб чиқариш режасининг ҳамиша ўз муддатида, сифатли бажарилишини корхона раҳбарияти, энг аввало, ходимларнинг соғлом ва жисмонан баркамоллигида деб билади.

Ўн етти йилдирки, корхонада ходимлар гимнастикаси мунтазам йўлга қўйилган. Бунинг учун барча шароит мавжуд. Севимли машғулот очиқ ҳаво қўйнидаги махсус майдонда ўтказилади. 15 дақиқа ишчиларнинг кундалик жисмоний машқларни кўнгилдагидек бажаришлари учун етарли.

— Инсон соғ-саломат, тетик ва бардам юрсагина, ишида унум бўлади, — дейди меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик бўлими муҳандиси Бегижон Файназаров. — Чунки тонгда жисмоний машғулот қилган киши кун давомида чарчоқ нелигини билмайди.

— Мен гимнастикани ҳар қандай спорт турининг ўзаги деб биламан, — дейди ўлчов ва синов лабораторияси бошлиғи Ёқубжон Норматов. — Бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказиладиган футбол, волейбол, стол тенниси, арқон тортиш, армреслинг, дартс сингари спорт турлари бўйича цехлараро мусобақаларда барчанинг фаол қатнашиши, муросасиз кураш олиб боришининг сабаби ҳам шунда.

Преслаш цехи созловчиси Умиджон Охуновнинг айтишича, турли соҳа вакиллари иштирокида ўтказиладиган учрашувларда шифокорлар ҳам ҳозиру нозир. Даврa суҳбатларида гимнастиканинг инсон иш қобилиятини кучайтириши, иммунитетини ошириши, асаблар ҳамда қон айланиш тизимини яхшилаши, умуман, соғлом турмуш тарзини шакллантириши кўп бор таъкидланган.

Шерзодбек БЎТАЕВ

ФАКТ ▸ Ўтган йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 183 441 нафар оила ва фуқарога касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида 116 млрд. 969 млн. 700 минг сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

2015-yil 3-fevral, seshanba, № 17 (3522), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бунинг сабаби нимада? Расмий маълумотларга кўра, жаҳондаги 266 мамлакатнинг 100 дан ортиғи аҳолиси қашшоқликда кун кечираётган ёхуд иқтисодий аҳволи танг бўлган катта-кичик давлатлардир. Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда аграр соҳада амалга оширилаётган, ҳар томонлама ўйланган иқтисодий ислоҳотлар самараси — халқимизни асосий озиқ-овқат, биринчи навбатда дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга муваффақ бўлганимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётир. Бу ўтган йили 5-6 июн кунлари Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, айниқса, юксак ривож топган давлатлардан келган етук олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари билдирган фикр-мулоҳазаларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон биринчилар қаторида амалга оширган ва ҳануз давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилгани, яъни таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берилгани мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан барқарор тараққий топишида мустаҳкам пойдевор яратди, десак янглишмаган бўламиз.

Бир ўйлаб кўрайлик, биз бундан 18 йил олдин таълим соҳасини мутлақо ўзгартирган, янги, замонавий босқичга олиб чиққан илғор дастурларни қабул қилмаганимизда, бугунги глобаллашув даврининг ўткир ва мураккаб талабларига муносиб жавоб бериш, мамлакатимизнинг тараққиётини, истиқболини таъминлаш, биз кўзлаган, келажаги буюк давлат қуриш деган улуғ мақсадни олдимизга қўйиш мумкин бўлармиди? Албатта, йўқ. Маълумки, спорт ривожи мамлакатни дунёга танитишда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. 2014 йил "Баркамол авлод" мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилди ва кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар бир ота-онанинг энг улуғ орзусидир. Шу билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Бугун дунё халқлари бошидан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ёнатрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлаш муҳимдир. Ҳозирги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилик, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб, умуман, вазият тобора кескинлашиб бораётгани барчамизни хавотир ва ташвишга солиши табиийдир.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалари, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсати — бу тинчликпарвар ва ўзаро тенг ҳамкорликка асосланган сиёсатдир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2012 йил сентябрида Қонун асосида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси" халқаро ҳамжамиятда катта акс-садо берди.

Бунинг сабаби тўрт омил билан изоҳланади: Биринчидан, Концепция Ўзбекистоннинг истиқлол давридаги тараққиёти ва ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасини инобатга олган ҳолда тайёрланди. Иккинчидан, ташқи сиёсат соҳасида концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида ривожланган давлатлар тажрибаси диққат билан таҳлил этилди ва ўрганилди. Учинчидан, минтақамизда ва халқаро майдонда вужудга келаётган ҳозирги вазият мамлакатимиз атрофида шаклланаётган мураккаб геосиёсий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳар томонлама Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан инобатга олинди ва ниҳоят, тўртинчидан, ташқи сиёсат ва иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи мамлакатимиз қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, давлатимиз томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар мукаммал равишда инвентаризация қилинди.

Ушбу муҳим Қонун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти. Қолаверса, ташқи сиёсий фаолият концепцияси миллий хавфсизлигимизни янада мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолиш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ҳамда фуқаролик жамиятига асосланган очиқ демократик давлат қуриш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш учун имкон қадар қулай ташқи шароитларни яратиш талабларига жавоб беради.

Муҳтарам Президентимиз кўпгина чиқишларида, хусусан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервюларида, Шанхайда ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитидаги нутқида Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият, айниқса, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақасидаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятнинг янада кескинлашиш эҳтимолини инобатга олиб яшаш давр талаби бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳонда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақланиб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани — буларнинг барчаси бизда ҳам, бутун дунёда ҳам чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

2014 йилнинг декабрида АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланиши, Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларида ва чегарадош ҳудудларда кескинликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш йўли, Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқаро дипломатия, тинч музокаралар ва миллий аҳиллик ҳамда бағрикенглик йўлидир.

Ўзбекистонимизнинг жаҳон билан бўйлашувида йирик давлатларнинг ўрни алоҳида. Шулардан бири Хитой Халқ Республикасидир. Мамлакатимиз билан бу давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация доирасида барча соҳаларда ривожланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон билан Хитойнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ўрни ва стратегик мавқеини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Қарангки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг энг йирик тузилмалари ҳам айнан Ўзбекистон ва Хитойга тааллуқли. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган бўлса, ушбу ташкилотнинг Ижроия котибияти Пекинда иш олиб боради.

Ўзбекистон — Хитой дўстлик алоқаларининг чуқурлашишида олий даражадаги учрашувлар ва ташрифларнинг мунтазамлик касб этгани аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Масалан, кейинги етти йилда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2014 йилда 5,5 миллиард долларга етди.

Шуни эслатиб ўтиш муҳимки, Ўзбекистон Президентининг 2012 йил июн ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ҳужжатлар имзоланган эди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябр ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 та ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларда Хитойдан 7,7 миллиард долларлик молиявий ресурслар, шу жумладан, Хитой компанияларининг 1,3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари, ушбу мамлакат банкларининг 6,1 миллиард долларга тенг кредит маблағлари ва 300 миллион долларлик давлат грантларини жалб этиш кўзда тутилган.

Дунёдаги етакчи давлатлар, жумладан, Хитойнинг Ўзбекистон ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги эътиборга молик.

Ядросиз дунё муаммоси бугун ҳам глобал халқаро масала. 2014 йил 6 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида том маънодаги тарихий воқеа юз берди. Мазкур ташкилот тузилганидан буён биринчи маротаба беш ядровий давлат — Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия якдиллик билан ва бир пайтнинг ўзида муҳим халқаро ҳужжатни — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколни имзолашди. Ушбу қадам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси минбаридан туриб илгари сурилган ташаббуснинг тўла амалга оширилишини ниҳоясига етказгани ҳолда, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда ядро қуроли тарқалмаслиги ва қуролсизланиш бўйича глобал режимнинг кучайишига улкан ҳисса қўшади.

Мустақил Ватанимиз ўзининг мавқеи ва аъзоларининг сони жиҳатидан БМТдан кейинги ўринни эгаллайдиган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатган. Дарвоқе, Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилотнинг аъзоси сифатида фаол ҳамкорлик йўлидан бормоқда. Маълумки, ЕХҲТга кирган кўпгина давлатлар айни пайтда Европа Иттифоқида ҳам самарали иқтисодий интеграция йўлини танлаган. Шундай давлатлардан бири Латвия Республикасидир. Ўтган йили май ойида Латвия Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Болтиқбўйидаги бу мамлакат Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мева-сабзавотлар, қайта ишланган нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа товарлар экспорт қилади. Латвия эса мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, денгиз маҳсулотлари, пластмасса етказиб беради, логистика хизматида ҳам бу давлатнинг ўрни бор. 2014 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 250 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, ўзаро инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини қўшма корхоналар сони 400 тага яқинлашиб қолганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни таҳлил этилганда мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бу хусусда келажакда ҳам жуда кўплаб илмий-маърифий асарлар дунё юзини кўриши шубҳасиз. 2014 йил май ойида Самарқанд шаҳрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция шулар жумласидандир.

Бундай халқаро анжуманларнинг ўтказилишида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон каби қадимий шаҳаларимизнинг юбилейлари нишонланиши ЮНЕСКО билан самарали ҳамкорлигимиз натижасидир. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиз: "Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?"

Шу фикрнинг ўзи бизнинг Ватанимиз фақат тинчлик ва омонлик учун дадил кураш олиб бораётганлигини, юксак маънавий ғоялар аслида тинчликсевар ҳаракатлар билан уйғунлашиб кетганлигини намоён қилади. Яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топиб, бизни бирлаштирадиган умумий мақсадлар йўлида ҳамкорликни янада кучайтириш, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш устувор вазифамиз бўлиб қолишини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган, биз билан юқори даражада маданий алоқалар ўрнатган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мамлакатимизни энг ишончли ҳамкор ва шерик деб билган илғор давлатлардан бири — Корея Республикасидир. Халқаро майдонда Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги юқори эътироф этилмоқда. Ўтган йили июн ойида Корея Республикасининг янги Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифи амалга ошди.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стратегик ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил сентябр ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 60 та сармоявий лойиҳа имзоланди. 2014 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллиард долларга яқинлашиб қолди. Юртбошимиз Ислом Каримов ўтган йили апрел ойида Қорақалпоғистон Республикасида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш чоғида ҳам Ўзбекистон-Жанубий Корея стратегик ҳамкорлигини юқори баҳолади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Жанубий Корея муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Сурғил кони негизида барпо этилаётган Устюрт газкимё мажмуаси кўлами жиҳатидан ғоят йирик лойиҳа сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, "Лотте групп" ва "Эс-Ти-Икс Энержи" компаниялари консорциуми иштирокида қурилаётган бу мажмуа келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг натижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон ва жаҳон мавзусининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатларининг кўлами жуда кенг. Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран англаш керак, деб ўйлайман.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси,
"Шуҳрат" медали соҳиби,
халқ таълими аълочиси.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2015 йил 3 март куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ғиждувон тумани «Йўл қурилиш ва таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган «Аукцион» савдоларига жамият ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

ЛОТ №	Автотранспорт воситалари ва техникалари номи	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами белгиси	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	МАЗ-54331 юк автомашинаси	1992	80/928 КАА	41 457 600
2	МАЗ-504 юк автомашинаси	1986	80/881 DAA	20 728 800
3	МАЗ-503 юк автомашинаси	1966	80/931 КАА	13 819 200
4	УАЗ-469 СНГ автомашинаси	1984	80/930 КАА	2 706 396
5	М-412 СНГ автомашинаси	1990	80/932 КАА	1 602 535
6	ВАЗ-21061 СНГ автомашинаси	1995	80/933 КАА	1 869 624
7	ЮМЗ трактори	1973	34-22 БГ	8 500 000
8	Грейдер ДЗ-143	1984	-	98 847 210
9	Т-34 (погрузчик)	1983	34-25 БГ	65 662 790
10	Бульдозер ДЗ-101	1988	80/649 АА	24 105 462
11	Мотокаток ДУ-48	1977	80/648 АА	28 242 060
12	Эксковатор ЭО-55л	1989	80/647 АА	25 530 822
13	Трайлер ТАС-2000	1971	14-80 ЕЗ	22 734 858
14	Битумовоз БМ-7	1971	40-96 ББ	14 524 488
15	Тиркама 2ПТС4-793 (площадка)	1986	80/769 АА	3 333 240
16	Тиркама 2ПТС4-793	1986	80/772 АА	3 333 240
17	Тиркама КП-4 (кирковщик)	1979	80/768 АА	1 028 011
18	Тиркама ЕММ таркатувчи	1985	80/774 АА	5 555 400
19	Тиркама ВУ-3А-3,5т (сув)	1985	80/773 АА	1 666 620
20	ГКБ (полуприцеп)	1988	21 В 234	27 139 500
21	ППС14 МТП 8 тиркамаси	1987	80/1215 АА	5 555 400

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорида белгиланган.

II. 2015 йил 3 март куни соат 12:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Жондор тумани «Варахшо-Ромиш» ММТП шаклидаги масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган «Аукцион» савдоларига жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 416 000 сўм бўлган 1985 йилда и/ч ГАЗ-5204 русумли д/р 20 АЕ 381 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР: 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Аукцион савдолари ўтказилмаган тақдирда мулклар 2015 йил 10 ва 17 март кунлари бўлиб ўтадиган савдоларга такроран қўйилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қўйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

Унга кўра, 1 АҚШ доллари 2442,13 сўм, 1 Россия рубли 35,43 сўм, 1 ЕВРО 2771,81 сўм.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Спорт Спорт Спорт Спорт

Ўқ отиш

Қувайтда ташкил этилган ўқ отиш бўйича Гран-при турнирида икки спортчимиз олтин медал соҳибига айланишди.

ИККИ ОЛТИН МЕДАЛ



Турнирда терма жамоамиз аъзоси Вадим Скороваров 10 метр масофада пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича 619,6 очко жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳамюртимиз Маргарита Орлова ҳам пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Эркин ва юнон-рум кураши

Париж шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича анъанавий Paris Grand Prix халқаро турнири бўлиб ўтди.

РАШИД ҚУРБОНОВ – ТУРНИР ҒОЛИБИ

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Рашид Қурбонов 74 кг. вазн тоифасида барча рақиблари курагини ерга теккизиб, зафар қучди.

Вакилимиз аввалига француз Лука Лаписни, чорак финалда полшалик Кристиан Брзозовски, ярим финалда эронлик Муҳаммад Мактабдарни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи финал баҳсида эса россиялик Осмон Исаковдан устун келиб, мусобақа ғолибига айланди. Ушбу вазн тоифасида бронза медали Муҳаммад Мактабдарга насиб этди.

Теннис

Юртимизнинг истеъдодли теннисчилари Албина Хабибулина ҳамда Полина Меренкова халқаро турнирда ғалаба қозонишди.

ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Актобе (Қозоғистон) шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирнинг жуфтликлар беллашувларида иштирок этган қизларимиз финалгача бўлган барча баҳсларда катта устунлик билан ғалаба қозондилар.

Ҳал қилувчи беллашувда Ксения Палкина (Қирғизистон) ва Ева Ваканно (Голландия) дуэтига қарши кортга чиққан теннисчиларимиз 6:2, 7:6 ҳисобида зафар қучишди.

Ўз мухбиримиз

Спорт Спорт Спорт Спорт

Навоий сабоқлари

«НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...»

Алишер Навоий ижоди ҳикмат бўстонига ўхшайди. Ундан ўзингизни қизиқтирган барча саволга аниқ жавоб топиб, мақсадга етишингиз шубҳасиздир. Қолаверса, шоир ҳикматлари замирида шундай жавоҳир мавжудки, мутафаккир зотнинг мисраларидан ёшидан қатъи назар барча ўзига яраша маъно дурларини тера олади. Президентимиз айтганидек, бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўққи, Навоий қаламга олмаган бўлса!

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунғға айлагали
нур фош,
Бирисин ой англа,
бирисин қуёш.

Демак, ҳаёт, тириклик учун қуёш ва ой қанчалик муҳим аҳамият касб этса, фарзанд учун ота-она ҳам шундай бебаҳо қадр-қимматга эгадир.

Ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш. Шу боис, шоир ёшлигидан тафаккурини илм нақши билан безатган кишининг умри маърифат ёғдуси билан нурафшон бўлишини таъкидлайди:

Йигитликда йиғ илмнинг
махзани,
Қарилик чоғи сарф қилгил ани.

Мутафаккир зот устозга эҳтиромни шараф деб билиб, устоз олдидаги шогирдлик қарзини юз хазина бойлик билан ҳам адо этиб бўлмаслигини уқтиради:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир
ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳақин юз ганж ила.

Навоий халққа наф келтирмоқни улуғ саодат деб билади. Одамларни ҳам халқ ғами билан яшамоққа чорлайди. Инсонийликни халққа келтирган фойда билан ўлчайди:

Нафъинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга
кўпракдурур.

Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девонида адабиётни тарбия воситаси эканлигига эътибор қаратиб, ҳар қандай асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатлар ила зийнатланган бўлиши керак, деб эътироф этади. Мутафаккир шоир ўзининг барча ғазалларини хоҳ ишқий, хоҳ тарбиявий аҳамиятга молик бўлсин, маърифий ва фалсафий фикрлар билан бойитади. Ёшларни нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка эришиш, элу юрт хизматига шай туриш, Ватанга содиқ фарзанд бўлишга, бурч ва масъулият туйғусини юксак қўйишга чақиради.

Алишер Навоий ижодининг барҳаётлиги ана шунда. Шоир асарларида ҳамиша меҳр-муҳаббат, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик, яхшилик каби инсоний фазилатлар улуғланади. Ёмонлигу зулм, ноҳақлик ва дилозорлик, ҳасад ва кибр, таъма ва хасислик эса қораланади. Шу боис ул зоти шарифнинг эзгуликни улуғлаб, ёвузликни қоралаб ёзган асарлари бугунги кунда ҳам жамият манфаатларига хизмат қилиб, баркамол ёшларни тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Феруза МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Саёҳат

Навоий вилояти Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамда "Касаба-сайр" шўъба корхонаси томонидан вилоятнинг Хатирчи, Қизилтепа, Кармана туманларидан соҳага кўп йиллик хизмати сингган 45 нафар ишчи-ходим ва меҳнат фахрийларининг Тошкент шаҳрига саёҳати ташкил этилди.



ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Меҳмонлар дастлаб пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Саёҳат давомида улар Тошкентнинг истиқлол йилларида қанчалар чирой очганига, амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига яқиндан гувоҳ бўлишди.

— Юртимизда биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибордан чексиз миннатдормиз, — дейди Қизилтепа туманидан ташриф буюрган меҳнат фахрийси Даврон Воҳидов. — Тошкентда мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлиги, муҳташам бинолар, спорт мажмуалари, илм даргоҳлари қад кўтарганини кўриб, қалбимда шижоат жўш урди. Инсон шаъни ва манфаатлари юксак даражада қадрланаётган жаннатмонанд юртда яшаётганлигимдан бениҳоя фахрланаман.

— Саёҳатдан олам-олам таассурот олдим. Тошкентга келмаганимга унча кўп бўлмаганди. Қисқа вақт ичида пойтахт қиёфаси янада чирой очибди. Айниқса, Минор жомеъ масжиди ҳайратимни оширди. Бундай ҳайратомуз ишларнинг барчаси истиқлол шарофатидан деб биламан, — дейди саёҳатчи Мамадиёр Зоиров.

Саёҳатдан сўнг нуронийлар Муқимий номидаги мусиқали драма театрида спектакл томоша қилишди.

ЎзА сурати

Жамшид ЭРГАШЕВ,
"Ishonch" мухбири.
"Ishonch" фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида 12 та болалар мусиқа муассасаси барпо этилиб, 6 та санъат мактабида реконструкция ишлари амалга оширилди.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

2014 йил 52 кишилик аҳил жамоамиз учун таассуротларга бой бўлди. Бизнинг 17- болалар мусиқа ва санъат мактабига ўтган асрнинг 80-йиллари бошида асос солинган. Бугунги кунда замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари негизида барпо этилган икки қаватли бинода барча қулайлик муҳайё этилган.

Туманимизда санъатга, мусиқага қизиқувчи болалар кўп. Ҳозирда шинам, ёруғ синфларда 187 нафар иқтидорли ўғил-қиз таълим олмоқда. Саккиз йўналишда санъат сирларини қунт билан ўрганаётган ёш истеъдод эгаларини 35 нафар ўқитувчи мусиқа сирларидан воқиф этмоқда.

Ўқувчиларимиз туман, республика ва мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Навоий вилоятида ташкил этилган республика "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танловида фолклор йўналишида Динара Маратова 3-ўринни эгаллаган бўлса, хореография йўналиши бўйича Мийирхан Утеханова диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Зийба АЛЛАНИЯЗОВА,
Тахтакўпир туман 17-мусиқа ва санъат мактаби директори

Анжуман

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжуманини ўтказди. Унда ташкилотчилар ва соҳа мутахассисларининг мавзу юзасидан маърузалари тингланди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

унда маданият марказларининг ўрни

Юртимизда ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишини ташкил этиш ва халқимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келган 1777 та маданият уйи ва клублар негизида 894 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади. Уларнинг моддий-техник базаси тўлиқ янгиланиб, хизмат турлари кўпаяди ва фаолият кўлами янада кенгайтирилади. Бугунга келиб Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 41 та марказ тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилган. Уларда бадиий ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти, миллий-амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича 4000 га яқин тўгарак ва студиялар фаолият юритмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, иқтидорли ёш ижрочиларни бадиий ҳаваскорлик ва фолклор жамоалари, замонавий студия ва тўгаракларга жалб этиш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича шуғулланишлари учун кенг имконият яратиш мақсадида ташкил этилган анжуманда бу каби хайрли ишлар алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда маърузалар юзасидан очиқ мулоқот ва саволжавоблар ўтказилиб, республикамизнинг барча ҳудудларидан келган иштирокчилар учун институтнинг профессор-ўқитувчилари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

ОЛАМ ВА ОДАМ

Музлаган шаршара забт этилди



Алпинист Уилл Гадд музлаб қолган оқим бўйлаб Ниагара шаршарасига кўтарилишга муваффақ бўлди. Red Bull сайтининг маълумотига кўра, у ушбу шаршарадан оқимга қарши ўтган тарихдаги биринчи инсон бўлди.

Юқорига кўтарилиш учун алпинист муз қояларга чиқишга мослаштирилган махсус воситалардан фойдаланган. Бироқ у атроф-муҳитга зарар етказмаслик учун муз ёрувчи ускуналардан фойдаланишдан бош тортган.

Гадд йўналишининг узунлиги жами 44 метрни ташкил этди. У шаршара тепасига 3 марта чиққан, ҳар бир кўтарилишга бир соатдан сарфлаган.

1,5 миллион китоб ёниб кетди

Москвадаги Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти (ИНИОН) Фундаментал кутубхонасида ёнғин содир бўлди. Бу ҳақда gazeta.ru хабар бермоқда.

Москванинг Нахимов шоҳкўчасидаги бинода рўй берган ёнғин 30 январ, жума куни соат 20:00да бошланган эди. Уни ўчириш учун 27 соатдан кўпроқ вақт керак бўлди.

Кутубхона биносидаги ёнғин 2 минг квадрат метр майдонни қамраб олди, 1 минг квадрат метр жойда том қисми қулаган.

Россия Фанлар академияси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, ёнғин натижасида 1,5 миллиондан ортиқ китоб зарар кўрган — бу кутубхона китоб фондининг 15 фоизини ташкил этади.

Дастлабки тахминларга кўра, ёнғин электр қурилмаларидаги қисқа туташув натижасида юз берган.

"Пэнху одами"

Япония, Тайван ва Австралия университетлари олимлари гуруҳи бундан 10 минг йил аввал Шарқий Осиё ҳудудида яшаган ибтидоий одамнинг янги тури топилганини маълум қилди, деб ёзади ТАСС.

Улар Тайваннинг ғарбий соҳиллари яқинидаги Пэнху оролида аниқланган қадимги одам жағ суяги парчаларини ўрганиб чиққач, ушбу кашфиёт ҳақида эълон қилди. Жағ суягининг тузилиш хусусиятлари ва унда сақланиб қолган тишлардан хулоса қилиб, олимлар унинг бошқачароқ эканлигини аниқлади. Унга "Пэнху одами" деб ном берилди.

— "Пэнху одами"нинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг жағ суяги анча катта ҳажмга эга, бу одамларнинг анча қадимий уруғларига тегишли хусусиятдир. Тахминимизча, уларнинг аждодлари Осиёдаги энг қадимий одамлар бўлган ёки улар Африкадан анча кечроқ келишган, — дея қайд этди тадқиқот иштирокчиларидан бири Токио университети ходими Ёсуке Кайфу.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО

3-4 феврал

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3-4 феврал кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Қор кўчиши хавфи бор. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент	Нукус	Урганч	Бухоро	Навоий	Қарши	Термиз	Самарқанд	Жиззах	Гулистон	Фарғона	Наманган	Андижон
+5...+7, +10...+12	-2...+3, +3...+8	0...+5,+3...+8	+2...+7, 12...+17	+2...+7, 12...+17	+7...+12, +12...+17	+7...+12, +12...+17	+2...+7, +10...+15	+2...+7, +10...+15	+2...+7, +10...+15	0...+5, +1...+6	0...+5, +1...+6	0...+5, +1...+6
-4...-2,-1...+1	-10...-5, -7...-2	-10...-5, -7...-2	-5...0, -2...+3	-5...0, -2...+3	-3...+2, -3...+2	-3...+2, -3...+2	-5...0, -2...+3	-5...0, -2...+3	-5...0, -2...+3	-5...0, -5...0	-5...0, -5...0	-5...0, -5...0

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:

Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: U.Ibodinov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:45 Topshirildi — 22:20

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 215 | 20536 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5